



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 71 (9817).

1990 йил 11 апрель • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Мунозара учун мавзу

ЖАВОБ ОЛИШНИНГ ИЛОЖИ БОРМИ?

КУП қатори меннинг ҳам машинам бор. Ҳар қалай беминнат хизматкорда, узогининг яқин қилади. Лекин уни ҳайдаб кўчага чиқиб ҳафсалам пир бўлиб кетади. Машинанинг гилдираклари ўн-чўнқирга урилавериб безор қилади. Ҳатто, Тошкентдек пойтахт шаҳарнинг марказидаги Навоий, ЎзССР 50 йиллик катта кўчалари, Уста Ширин ва Сағбон кўчаларида ҳам шу аҳвол. Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Вилотимизнинг чекка шаҳар ва қишлоқлари кўчалари дақида-ю, тапир-маса ҳам бўлади.

Аминманки, бу аҳвол фақат мени ёки мен каби шахсий машина эгаларининггина эмас, давлат корхоналари транспортни ҳайдовчиларини ҳам ажаблантиради.

Жумҳуриятимизда махсус Автотранспорт ва йўл хўжалиги вазирлиги мавжуд. Ахир у ерда хизмат вазифасини бажарётган масъул кишилар йўлларнинг қай даражада соғ-е носоғлигини назорат қилиб турсалар керак. Уларни таъмирлашга қанча мўддатда ва қай тартибда маблағ сарфлайдилар? Бу маблағлар қаердан олинади?

Ҳар йили давлатга йўлдан фойдаланганлигимиз учун 32 сўмдан тўлаймиз. Биргина шахрмизнинг ўзида менга ўхшаган шахсий машинаси бўлганлар неча юз минг кишини ташкил этади. Бундан жумҳуриятимизда-чи? Бундан

йиғилган пуллар қаерга кетади? Нима ишларга сарфланади? Бу саволларга тегишли ташкилотлардан жавоб оlishнинг имкони борми?

Ахир йўлаб кўринг, шулар ҳисобига аҳолидан миллионлаб сўм маблағ йиғилса-ю, йўлларнинг аҳоли қониқарли бўлмас! Уларнинг ўта носоғлигини машинанинг ҳали у, ҳали бу қисмлари ишдан чиқиб туради. Кошки уларни мағазиндан топиб бўлса. Чайқовда эса...

Шуларни йўлаб яқинда ойнав жажон орқали намойиш қилинган бир кўрсатув ёдимда тушди. Унда сўзга чиққан шоиримиз Шукрулло шаҳар ва қишлоқларнинг йўллари ва уларни оралаб ўтган дарё ҳамда ариқлар устига қурилган кўприкларнинг қай даражада сифатли эканлиги шу ерлик халқнинг қанчалик мадаҳиятчи эканлигини белгилайди, деган фикрни билдиришди. Халқимизда ҳаммаша шу нақлга амал қилиб келинган. Ўтган асрларда ҳам Ўрта Осиёнинг йирик маданият ва савдо марказлари бўлган шаҳарларидан йўл ва кўприклар қурилишига катта эътибор берилган.

Лекин фан-техника ривожланган бизнинг давримизга келиб йўлларимизнинг шу аҳволга тушиб қолганлиги кишини ранжитидади. Наҳотки, биз шу қадар маданиятсиз бўлсак?

Н. ЭРГАШЕВ,
биология фанлари номзоиди.

ХАЙРАИ ИШГА ХАЙРИЯ

В. И. Ленин номи Совет бозор фондига жамоат ташкилотлари, яқинда уюшмалар, меҳнат коллективлари ва алоҳида фуқароларнинг хайриялари ҳисобига қўйиб бораёти. Бу нисга Тошкентдаги Қўбингиз ошхоналар трести ходимлари ҳам

ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар иш ҳақларидан бир қисмининг бу фондга ўтказдилар.

Болалар фондидининг жамғармалари эса келажак авлод саломатлигини тиклаш ва тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда. Жумла-

дан, ўтган йилнинг ўзида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғистонда болалар саломатлигини тиклаш мақсадларига ушбу фонддан 900 минг сўмдан кўпроқ пул сарфланди.

Л. АЛЕНКИН.

Насиба
Хоназаровалар:

Ҳар бир ситгирдан 3000—3500 килограммдан сут соғиб олган ва учинчи даражада тақияланган «Сут соғиш устаси» нишонини билан мукофотланганлар орасида Бекобод ноҳиясидаги «Давларзин» совхозидан Майрам Йўлдошева, Тожиқон Саидова, Бўка ноҳиясидаги Ҳамза номи колхоздан Қумри Бойназарова, Ғалаба ноҳиясидаги «Коммунизм» совхозидан Майсара Тожиқова, Коммунистик ноҳиясидаги «Ўзбекистон» колхозидан Саида Раҳмоновалар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети бухгалтерияси раиси бошқармасига комитет раиси фонддан солиқ ва комплекс фермалари ва комплекс фермалар ҳар бирига 600 сўмдан пул ажратишни топишди.

Биринчи, кичкин, учинчи даражада «Сут соғиш устаси» деб тан олинган операторларнинг ҳар бири хўжаликларнинг рағбатлантириш фондидан, у бўлмаса район агро-ноат уюшмаларининг марказлашган фонди ҳисобидан му-таносиб равишда 200, 150, 100 сўмдан мукофотландилар.

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

БЕБУРДЛИК

1989 йилнинг 21 июлида Високоволт даҳасидаги 78-уйнинг 4-квартирасига кўчи кирдим. Аслида бу эски квартирани менга ремонт қилиб топширишлари керак эди. Квартира ажратилганидан хурсанд бўлиб кўчиб бораверибман. Хонадоннинг деворларига гулқоғи ёпиштирилган, эшик-роғларни бўялган эди ҳолос. Полнинг аҳолига қараб бўлмасди, ҳар учта дераза ойнасининг бири синган, иккитаси ёрилган, унитазнинг дарз кетган жойидан сув оқиб ётарди. 28-уй-койлардан фойдаланиш идораси бош инженерига учраб аҳолини тушунтирдим. Ойна ҳам, бўғи ҳам йўқ, деган жавобни олдим. Уч-тўрт марта учрашганимдан кейин «сентябрь ойида ойна оламини, ҳамма қатори сизга ҳам солиб беришди», деди бош инженер. Бош ин-

женер билан ишим битмагач бошлиққа учрадим. Бошлиқ «илгариги аризаларингизни билмайман, бошқа ёзиб келинг» деди. Шундан кейин ЖЭКдан одамлар келиб бир нималарни ёзиб «тўғрилай-миз» деб чиқиб кетишди ва бошқа қайтиб келишмади. Болалар қишқи бувилариникида яшаб ўтказишди, ўзим совуқ уйда яшапман, бошқа иложим ҳам йўқ. Иккинчи гуруҳа ногирониман, 120 сўм нафақа оламан. Фарзандларимни едириб-ийдиришдан ортиб, ортиқча ҳаражатга қўрқиб етмапман. 7—8 ойдан бери арзимаман ойна, бўёқ билан ишимни битириб бермаётган ЖЭКдан ҳафа бўлиб кетдим. Бе-бурдлик шунчалик бўлди-ми?

Анвар МИРЗАЖОНОВ,
Тошкент шаҳри.

НЕГА ТАҚИҚЛАНАДИ?

МАҲАЛЛАМИЗДАГИ Измаилов кўчасига «Ҳаракат тақияланади» деган белги ўрнатиб кетишди. 300 метри бу кўчани беркитишдан мақсад нима? Катта кўчага чиққунинг кичик кўчада давлат аҳамиятига мо-

лик ҳеч қандай объект йўқ, атрофи баланг қаватли уйлар — нимага беркитишди? Кўчанинг бошида болалар богчаси бор, хизматга кета туриб болаларни машинада ёнча ташлаб ўтардик. Энди 300 метри масофани бир километр босишга тўғри келмоқда. Кўчага тақиялаш белгиси қўйишнинг сабаби нимада?

Г. РУСТАМОВА,
Тошкент шаҳри.

ДЕХҚОН ҲАРАКАТДА

БўКА. (Жамоатчи муҳбиримиз А. Этамов хабар қилади). Ноҳия деҳқонлари барча соҳадаги қўнғин давом эттиришмоқда. Ҳозир асосий диққат-этибор хўжаликларда чигит экиш оммиавий суратда бошлангунга қадар сабазот, картошка ва озиқ-овқат экинларини тўлиқ экиб олишга қаратилган. Умуман ҳозиргача ноҳияда 240 гектар майдондан ортиқ ерга қавлати, қарийб 2 минг гектардан зиёд майдонда дон ва силос учун маккажўхори экилади. Дала ишлари «Ленинизм», Тимирязев номи, К. Маркс номи колхозлар ва «Қўқорол» совхозидан, айниқса, яхши ташкил этилмоқда. Бу хўжаликларда мавжуд ишчи кучи ва техникадан самарали фойдаланилмоқда. Қўнғин кеча барча колхоз ва совхозларда чигит экишга тайёргарлик яна бир бор назоратдан ўтказилди. Механизаторлар экиш агрегатлари тизимини созишди. Сўнгги маълумотларга қараганда «Ленинизм», Ҳамза номи, «Партия XIX съезди» ва бошқа бир қатор хўжаликларда дастлабки майдонларга урун-лик ҳам ташланди.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети коллежис ва касба соҳалари агро-ноат комплекси ходимларининг республика комитети ҳайъати 1989 йилда сут етиштириш ва давлатга сотиш, соғин ситгирлар мақсуддорлигини ошириш бўйича юксак натижаларга эришган ушбу ўтказилган социалистик мусобақа натижаларини аёнлади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети, касба соҳалари агро-ноат комплекси ходимларининг республика комитети фахрий дипломлари билан тақдирланганлар орасида Тошкент областида бўка ноҳиясидаги «Партия XX съезди» колхоз, Коммунистик ноҳиясидаги Свердлов номи колхоз, Паркент ноҳиясидаги «Прогресс» совхоз, Бекобод ноҳиясидаги «Давларзин» совхоз, Ғалаба ноҳиясидаги Калинин номи совхоз.

Ҳар бир соғин ситгирдан 4 минг килограмм ва ундан кўп сут соғиб олган ва биринчи даражада тақияланган «Сут соғиш устаси» нишонин билан тақдирланганлар орасида Бекобод ноҳиясидаги «Партия XX съезди» колхозидан Майрам Йўлдошева, Тожиқон Саидова, Бўка ноҳиясидаги Ҳамза номи колхоздан Қумри Бойназарова, Ғалаба ноҳиясидаги «Коммунизм» совхозидан Майсара Тожиқова, Коммунистик ноҳиясидаги «Ўзбекистон» колхозидан Саида Раҳмоновалар бор.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети бухгалтерияси раиси бошқармасига комитет раиси фонддан солиқ ва комплекс фермалари ва комплекс фермалар ҳар бирига 600 сўмдан пул ажратишни топишди.

Биринчи, кичкин, учинчи даражада «Сут соғиш устаси» деб тан олинган операторларнинг ҳар бири хўжаликларнинг рағбатлантириш фондидан, у бўлмаса район агро-ноат уюшмаларининг марказлашган фонди ҳисобидан му-таносиб равишда 200, 150, 100 сўмдан мукофотландилар.

ҒАЛАБА НОҲИЯ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ғалаба ноҳия партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани муҳокама қилди.

Пленум Н. М. Мадаминовнинг квартирасида олиш ва уни ремонт қилишда йўл қўйган хатолари учун ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вази-фаларидан озод қилди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети раиси бўлиб ишлаб

кеккан Р. И. Қаримов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленумда Тошкент вилоят партия комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришук сўзлади.

Пленум ишида Тошкент вилоят партия комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудири Р. Қ. Турсунов иштирок этди.

КИРОВ НОҲИЯ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Киров ноҳия партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани муҳокама қилди.

М. М. Умарова Ўзбекистон ССР Олий Советининг иқтисодий ислохот ва маҳаллий ўз ўзини бошқариш

доимий комиссиясининг котиби қилиб тасдиқланганлиги муносабати билан у ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси вази-фаларидан озод қилindi.

Халқ депутатлари ноҳия

Советининг раиси Р. А. Ка-лонов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков иштирок этди ва мунг сўзлади.

ПРЕЗИДЕНТЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

9 апрель куни СССР Президенти М. С. Горбачев раси-лигида президентлик кен-гашининг мажлиси бўлди. унда Литва ССРдаги ва шу республика теваригидаги ва-зият кўриб чиқилди. Рес-публика Олий Советининг СССР Президенти мурожа-атномасига жавоб амалий руҳда эмаслиги ва муаммо-ни ҳал қилиш учун реал йўл очиб бермаслиги, аслида

ишни боши берк кўчага ки-риб қўйиши таъкидлаб ў-тилди. Литванинг ҳозирги раҳбарияти ўзининг Консти-туцияга зид қаранатлари би-лан, гайриқонуний чоралар-ни авж олдириш билан таи-лиқдан чиқиш имкониятла-рини тўсиб қўймоқда, рес-публикадаги вазиятни кес-кинлаштирмоқда ва бунинг учун тўла жавобгардир. Президентлик кенгашининг аъзолари СССР халқ

депутатлари учинчи Съездининг мандатига амал қилиб, бундан буюн СССР Консти-туцияси, республика терри-ториясида яшайдиган граж-данларнинг, умуман мамла-катнинг манфаатларини ҳи-моя қилишга қаратилган иқ-тисодий, сиёсий ва бошқа тусдаги чораларни кўриш зарур деган хулосага келди-лар.

(ТАСС).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ПАРЛАМЕНТДА—ОЛТИ ПАРТИЯ

● БУДАПЕШТ. «Прав-да» ўз муҳбири В. Гераси-мовнинг хабар беришча, яқинда бўлиб ўтган сайлов-лардан кейин Венгрия пар-ламенти ўз қиёфасига эга бўлмоқда. Сайловларнинг расмий ақуналари ҳали тў-лиқ аниқланмаган бўлса-да, қўйидаги рақамларни келти-риш мумкин. Мамлакат пар-ламентидаги 386 ўриндан 165 таси Венгрия демократ-тик форуми (ВДФ)га теги-ди. Мутлақ кўпчилик бўлиш учун 25 мандат етмай қол-ди. Эркин демократлар ит-

ГРЕЦИЯДАГИ САЙЛОВЛАР

● ЎТГАН якшанба куни Грецияда сўнгги ўн ой ичидagi учинчи бор сайловлар бўлиб ўтди. Тахминий маълумотларга қараганда «Янги демократия» деб аталмиш буржуа партияси энг кўп — 46, 96 фойз овоз олди. Бу унга 300 ўринли Греция пар-ламентидаги 150 мандатни эгаллаш ҳуқуқини бе-ради.

КИРОЛ ЧЕКИНДИ

● НЕПАЛ демократик кучлари катта ғалабага эришдилар. Мамлакат киро-ли Бирендра сиёсий партия-ларга ўттиз йилдан буюн да-вом этиб келатган тақий-ларни бекор қилди. Хаф-сизлик кучлари ўз қарор-гоҳларига қайтарилди. Де-

БРАТИСЛАВАДАГИ УЧРАШУВ

● БРАТИСЛАВА шаҳрида Венгрия, Польша ҳамда Чехословачия президенти, давлат бо-шлиқлари ва таъши ишлар министрлари, шунингдек, шу мамлакатлар жамоатчилиги вакилларининг бир кўнглик учрашуви бўлиб ўтди. Бу анжуманга Ав-стрия, Италия ҳамда Югославия таъши ишлар ми-нистрлари кузатувчилар сифатида таклиф этилди-лар.

ТЕГУСИГАЛЬПАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

● ГОНДУРАС пойтахти Тегусигальпада Никарагуа-нинг янги сайланган прези-денти Виллетта Чаморро ва-киллари ҳамда контрас раҳ-барлари ўртасида уч кундан буюн музокаралар давом эт-моқда. Контрас раҳбарлари-дан бири Оскар Савальбар-ро (иккинчи номи коман-данте Рубен) байёот бериб, ўтказилмоқда.

КОНГРЕСС ДЕПУТАТИ ЎЛДИРИЛДИ


● КОЛУМБИЯ. Хукмрон либерал партиянинг мамлакат конгрессидagi депутаты Хосе Умберто Родригес мамлакат пойтахтида отиб ўлдирилди. У ўз сайловчилари билан учрашган бундан чиқиб келатганида ана шундай ҳол юз берди. Х. У. Род-ригес гиёҳандор бошлиқларга қарши курашнинг фаолларидан бири эди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

АВТОМАТ ТАРТИБГА СОЛАДИ

● РЕЛЕ ЭНЕРГИЯНИ ТЕ-ЖАЙДИ. Чирчиқдаги 19-авто-транспорт кортонасининг кол-лектив энергетиклардан Е. Фризен ва С. Бударин ишлаб чиққан рационализаторлик тақ-лифининг жорий этилиши эва-зига 60 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаси-муваффақ бўлди. Улар авто-корхона территориясида ёри-гичларни автомат ёқиб сема-сини ўзгартирдилар. Янги-ликнинг моҳияти шунданки, сез-гир реле кун арунлигида чи-роқларни ўқиб, электр энер-гиясини автомат тарзда тар-тибга солиб туради.

(ЎзТАГ).



● КАЛИНИН ноҳиясида-ги «Москва» совхоз чорва-дорлари қишловини муваф-фақиятли ақунлашмоқда. Бунг натижалар ҳам кўра-тиб турибди. Улар 3 ойда режадаги 95 тонна ўрнига 104 тонна сут сотдилар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 тонна кўдир. Шоҳиста Акабоева, Олмагул Сариева, Маъсуда Тўла-ганова, Урқия Азиева ва сингари илгор соғувчилар бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар. Суратлар-да: (чапдан) илгор молбоқар Шавкат Шомуродов; қора-молларга озуқа тарқатиш пайти; соғувчи Шоҳиста Акабоева.

В. ТУРАЕВ суратга тушир-ган.

